

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACASI VAZIRLAR MAҲKAMASINING
ҚАРОРИ

**276 Фуқаролар йиғини тўғрисидаги намунавий низомга
ўзгартиришлар киритиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 3 февралдаги ПФ-4944-сон Фармонига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилди:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 30 сентябрдаги 274-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2013 й., 9-сон, 71-модда) билан тасдиқланган Фуқаролар йиғини тўғрисидаги намунавий низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ёшлар сиёсати, маданият, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари ахборот-таҳлил департаментига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 14 апрель,
219-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 14 апрелдаги 219-сон қарорига
ИЛОВА

**Фуқаролар йиғини тўғрисидаги намунавий низомга
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 11-банднинг еттинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
«хар чоракда фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли), унинг ўринбосарлари (фуқаролар йиғини раисининг кексалар ва фахрийлар ишлари ҳамда ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчилари) ва маслаҳатчилари, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялари ҳамда тафтиш комиссияси раислари, «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси раҳбари, фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, шунингдек ҳудуд профилактика инспектори, таълим муассасалари ва қишлоқ врачлик пунктлари (оилавий поликлинаикалар) раҳбарлари ҳисоботларини эшитади».

2. 12-банднинг бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
«хар чоракда фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли), унинг ўринбосарла-

ри (фуқаролар йиғини раисининг кексалар ва фахрийлар ишлари ҳамда ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчилари) ва маслаҳатчилари, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялари ҳамда тафтиш комиссияси раислари, «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси раҳбари, фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, шунингдек ҳудуд профилактика инспектори, таълим муассасалари ва қишлоқ врачлик пунктлари (оилавий поликлиникалар) раҳбарлари ҳисобларини эшитади».

3. 22-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«22. Фуқаролар йиғинининг қарорларини бажариш ва фуқаролар йиғинлари оралиғидаги даврда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг жорий фаолиятини амалга ошириш учун фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли), унинг ўринбосарлари (фуқаролар йиғини раисининг кексалар ва фахрийлар ишлари ҳамда ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчилари) ва маслаҳатчилари, масъул котиб, фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмасининг раҳбари, шунингдек ҳудуд профилактика инспектори, таълим муассасалари ва қишлоқ врачлик пунктлари (оилавий поликлиникалар) раҳбарларидан иборат фуқаролар йиғинининг кенгаши шакллантирилади».

4. VI бўлимнинг номидаги «(оқсоқоли)» сўздан кейин «унинг ўринбосарлари (фуқаролар йиғини раисининг кексалар ва фахрийлар ишлари ҳамда ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчилари)» сўзлари қўшилсин.

5. 39-банддаги «(оқсоқоли)» сўздан кейин «унинг ўринбосарлари (фуқаролар йиғини раисининг кексалар ва фахрийлар ишлари ҳамда ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчилари)» сўзлари қўшилсин.

6. Иловада:

«Фуқаролар йиғини раисининг маслаҳатчилари» блокада «раисининг» сўздан кейин «(оқсоқолининг) ўринбосарлари (фуқаролар йиғини раисининг кексалар ва фахрийлар ишлари ҳамда ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчилари) ва» сўзлари қўшилсин;

«Фуқаролар йиғинининг раиси» блокада «раиси» сўздан кейин «(оқсоқоли)» сўзи қўшилсин.